

МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ

1- mavzu:Матншунослик фанининг предмети ва вазифалари.

Режа

- 1.** Ўзбек матншунослиги тарихи ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
- 2.** Жаҳон матншунослиги тажрибалари. П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, И.Султон илмий тадқиқотларида матншуносликка оид қарашлар.
- 3.** Рус матншуносларидан Д.С.Лихачев, Б.В.Томашевскийнинг илмий қарашлари.

Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбек матншунослигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, манба ва матн тушунчасининг тадрижи, *адабий танқид*, *матн танқиди*, *археография*, *герменевтика*, *экзегетика* атамаларининг истилоҳий маъно доираси, рус матншунослигининг ўзбек матншунослигидан фарқли жиҳатлари ҳақида маълумот бериш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларга ўзбек матншунослиги тарихининг ўзига хос хусусиятлари, унинг хорижий матншуносликдан фарқли жиҳатлари, матншунослик илмининг адабиётшунослик ва тилшунослик билан боғлик томонлари ва филологик билимлар доирасида тутган ўрни хусусида тушунчалар берилади.

Маъруза матни

Матншунослик филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиши ва нашр қилиши билан шугуулланувчи соҳасидир. Ҳар бир матн ўзи яратилган тарихий даврнинг бевосита таъсири остида юзага келгани учун тарих фани билан матншуносликнинг алоқадорлигини унутмаслик керак. Бироқ бу ҳолат матншуносликнинг ажралмас ёндош соҳаси бўлган манбашунослик билан қўшиб, тарих фаниниг бир тормоғи сифатида талқин қилинишига йўл қўймаслик керак. Чунки матншунослик тўлалигича филология илми—тилишунослик ва адабиётшуносликнинг ютуқлари асосида иш кўради.

Албатта, адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганишлар ҳар бири ўзининг хусусиятлари, ўзларининг тадқиқ усусларига эга.

Тадқиқот обьектининг турли-туманлиги матнларни ўрганишнинг ва нашр этишнинг турли хил *методларини* юзага келтирган. Бунинг устига ҳар бир элда ва ҳар бир тилда матншуносликнинг ўзига хос томонлари бўлади. Ҳатто муайян муаллиф ижоди ёки бирор асар мисолида ҳам умумий мезонлардан *ташқари ҳолат* учраши табиий. Шу боис барча адабиётшунослик ва манбашуносликлар учун умумий бўлган матншунос мутахассис бўлиб этишиш *мумкин эмас*. Ҳар бир матншунос ўзи ишлаган манба билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун у матншуносликнинг назарий масалалари хусусида фикр юритар экан, тадқиқотчи ўз тадқиқот мавзусидан узоқ кета олмайди. Матншунослик тадқиқоти олиб борища қатъий бир услубий мезонларнинг шаклланмаганлиги ва унинг истилоҳлари ҳам бир хилда қўлланилмаслиги шу билан изоҳланади.

Бироқ шунда ҳам матнларни таҳлил этишда матншуносликнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб хulosалар чиқармоқ лозим.

Биз мазкур курсимизда ҳозирги замон матнлари матншунослиги ҳақида эмас, Ўрта аср манбаларини тадқиқот обьекти қилиб олган матншунослик хусусида баҳс юритамиз. Матншуносликнинг умумий қонуниятлари, мезонлари ва тамойиллари билан, асосан, адабий ва тарихий асарлар мисолида танишамиз.

Бу соҳа асосларига бағишлиланган маҳсус дарслик ёки ўқув кўулланмасининг ўзбек тилида йўқлиги бу фанни ўқитиш ишларини бирмунча қийинлаштиради. Шунга қарамай, маълум жиҳатдан рус матншунослигига бағишлиланган манбалардан фойдаланиш мумкин.

Матншунослик фан сифатида кейинги (асримизнинг 20-йилларидан) йиллардагина тилга олиниб келинаётган бўлса-да, бу борада жуда қадим замонлардан бизнинг кунимизгача тинимсиз ишлар олиб борилган.

Антик адабиёт намуналарини тиклашга, жумладан Аристарх, ўз тажриба ва ҳиссий идрокларига таяниб, Гомер ва бошқа муаллифлар асарларининг асл матнини тиклашга уринган. Геподот ва Полиэн асарларида биз фольклор матншунослигини кўрамиз. Кейинчалик «Инжил»ни танқидий ўрганиши, антик маданият, айниқса, кейинги Уйгонии даври ёдгорликларини тадқиқ этишида матншунослик яхшигина ривожланди.

Шарқда адабий-маданий, илмий, тарихий асарларнинг асрлар оша нусха кўчирилиб, кўпайтирилиб келингани, кейинги асрларда эса дунё миқёсида матншунослик тадқиқотлари анчагина кўпайгани ҳам матншунослик ишларининг қадимийлигидан далолат беради. Айниқса, адабиётимизнинг мумтоз намуналарига эътибор - уларнинг матнларини саклаб қолиш, ўтмишдагиларини тиклаш, келажак авлодларга етказиш ишлари ислом шарқи маданиятида жуда қадимдан амалда бўлиб келган.

Арабларда Зайд бини Собит томонидан амалга оширилган Қуръони Карим сураларининг халифа Умар кўрсатмаси билан китоб ҳолига келтирилиши (VII аср), жоҳилия даври шеъриятининг филолог Муфаддал ад-

Доббий (VIII аср), шоир Абу Таммом, филолог Ибн Кутайба (828—889), Абул Фарож ал-Исфаҳоний (897—967) томонидан хатга туширилиши, *Расулуллоҳ ҳадислари устида олиб борилган ишлар* шулар жумласидандир¹.

Эронийларда бу ишлар эртароқ бошланган. *Юнон донишманларининг асарларини паҳлавий тилига таржима қилиши*, уларга шарҳлар ёзиши сосонийлар давриданоқ (224—651) расм бўлган эди.

Туркий ёзма адабиётда Кошгариининг «Девону лугатит-турк», *Берунийнинг «Осори боқия» асарлари* ҳам матншунослик изланишларини тақозо этган.

Хозирги кунда матншунослик фани кўпгина олий ўкув юртларининг ўкув режаларига киритилган. Мустақил Ўзбекистонда давлатчилигимиз тарихини яратиш, адабий-маданий, илмий, тарихий меросга эътиборнинг кучайиши муносабати билан матншунослик фанининг роли янада ортди. Ёзма манбалардаги ҳар бир матн халқ мулки деб тан олинди. Бу эса матншуносларнинг халқ, Ватан, илм олдидаги масъулиятини янада оширади. Яъни, матншуносдан ёзма манба матнининг аниқ, аслига тўғри ва тушунарли тарзда халқ ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниши талаб этилади.

Матншунослик соҳаси филология фанининг асосий ва муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ёзма ёдгорликларнинг асл матнини тиклаш ҳамда уларни нашр эттиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан шуғулланади. Матншуносликнинг асосий вазифаси қўлёзма ёки тошбосма нусхадаги муайян асарнинг матнини муаллиф қаламидан чиққан асл ҳолатини тиклаш ва нашр эттиришdir.

Изоҳли луғатда “матншунослик” истилоҳига шундай таъриф берилади: “Матншунослик – адабиёт ва фольклорга оид қўлёзма асарларни, тарихий ҳужжатларни, уларнинг ҳақиқий, асл матнларини аниқлаш ва танқидий

¹ Қаранг: И б н Қ у т а й б а. Книга поэзии и поэтов. Биографический словарь; А б у л Ф а р а ж. Книга песенъ. Антология.

ўрганиш, шарҳлаб эълон(нашр)қилиш мақсадида улар устида тадқиқотлар олиб борувчи ёрдамчи тарихий-филологик фан соҳаси; текстология”².

Ўзбек тилида бу истилоҳ арабча “матн” (**متن**) лугавий маъноси – мустаҳкам, пишиқ, қаттиқ дегани бўлиб, қўшма сўзнинг иккинчи қисми “шунос” (“танимок”, “бilmok” маъноларини ифодаловчи форсча “шенохтан” феълидан олинган) ва туркий “-лик” от ясовчи қўшимча таркибидан ясалган.

“Матншунослик” истилоҳининг фанда қачондан қўллана бошлангани борасида рус палеографияси тарихи ва замонавий матншунослик ишлари, хусусан, XVIII – XX асрларда амалга оширилган нашрларни ўрганганд С. А. Рейсер шуларни ёзади: “Текстология сўзи нисбатан яқинда пайдо бўлган. Бу сўз 1930-йиллар ўрталарида биринчи марта Б. В. Томашевский томонидан 1926/27 ўқув йили Ленинград санъат тарихи институти курсларида қўлланган. 1957–1967 йиллар оралиғида бирин-кетин СССР Фанлар академиясининг Жаҳон адабиёти институтида “Текстология масалалари” номи билан тўрт тўплам: “Текстология асослари”, “X–XVII асрлар рус адабиёти материалларида текстология”, “Текстология. Қисқача очерк” каби аҳамиятли китоблар босилади. “Текстология” гарчи янги истилоҳ ҳисобланса–да, лекин тушунчанинг ўзи қадимийдир. *Адабий танқид, матн танқиди, археография, герменевтика, экзегетика* сўzlари тарих, қадимги адабиёт, манбашунослик каби фаннинг турли тармоқларида қўлланса ҳам аслида битта тушунчани англатади”³.

Бу ҳақда машҳур рус текстологи Б. В. Томашевскийнинг ёзганлари куйидагича эди: “...замонавий филологияда матн танқиди бўйича баъзи усуслар системаси ишлаб чиқилди. Улардан бир қисми қадимий ёдгорликларни ўрганиш тажрибасидан қўчирилди, бир қисми янги материалнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бу филологик усуслар системасини “матншунослик” сўзи билан белгилаш қабул қилинди”⁴.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Т. : Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.557.

³ С. А. Рейсер. Палеография и текстология нового времени. – М.: Просвещение, 1970. – Б.85.

⁴ Б. В. Томашевский. Писатель и книга. Очерк текстологии. Издание второе. – М. : Искусство, 1959. – Б. 30.

Рус филологиясида “матншунослик” сўзи билан бирдек “матн танқиди” сўз бирикмаси ҳам қўлланган. Европада ҳозир ҳам матншунослик “Textkritik”, яъни матн танқиди деб юритилади. Бу ўринда “танқид” сўзининг қўлланишига эътибор қаратиш лозим. “Матн танқиди” жумласи орқали матнни манбашунослик ва матншунослик йўналишида қиёсий-тарихий ўрганиш назарда тутилади.

XX аср бошларида Туркистонда ҳам матнни танқидий ўрганишга муносабат шакллана борди. Турли матбаа ёки кутубхоналарнинг ташкил этилиши муайян маънода матншунослик тарихини янгича йўналишида ўрганишга сабаб бўлди. 1920 йили мартда Туркистон МИК Туркистон давлат нашриёти(Турқдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу Ўрта Осиёдаги илк китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди.

Ўтган аср 20-йилларидан илмийлик бош мезон бўлган ўзбек адабиётшунослиги алоҳида соҳа сифатида шакллана бошлади. Адабиёт тарихи тадқиқотчилари мунтазам равишда классикларимиз ҳаёти, ижодига бағишлиланган мақолалар эълон қилиш билан бирга уларнинг асарларини чоп эттириш, оммалаштиришга ҳам жиддий киришдилар. Олиб борилган амалий ишлар бевосита матншуносликнинг илмий шаклланишига олиб келди.

А. С. Рейсер таъкидлаганидек, бир қанча ёрдамчи соҳалар – эдиция, археография, герменевтика, экзегетика кабилар билан боғлиқ ҳолда матн тадқиқ этилади. Хусусан, эдиция – ҳужжатли ва мумтоз матнларнинг илмий нашрини амалга оширишdir.

Матншунослик нашр ишларининг олиб борилиши билан ривож топди. Ўзбек матншунослигининг шаклланиши, ривожланиш усуллари ва методлари мумтоз адабиёт намуналари нашр этилиши билан боғлиқ.

Археография ёзма манбаларни қидириб топиш, илк тавсифга олиш, илмий муомалага киритишни назарда тутади. Кутубхона, турли фондлардаги қўллўзмаларнинг туркумлаштирилган тавсифи, археографик қиёсий таҳлили

манба матнини тузища мухим ҳисобланади. Бундай ишлар натижалари матн устида ишлашнинг равон боришини таъминлайди.

Герменевтика қадимги ёзма матнлар мазмунини изоҳлаш билан шуғулланади, матншунослик учун герменевтика асарнинг қадимда тутган ўрни, асар умумий мазмуни каби маълумотларни беради.

Экзегетика эса диний матнларни филологик жиҳатдан таҳлил этишда матншунослик ишлари билан бевосита боғланади.

Матншунослик, энг аввало, икки асосий қисмга бўлинади: амалий ва назарий матншунослик. Назарий матншунослик – соҳанинг умумий масалалари, матншунослик тарихи, матн тузиш тадқиқот усуллари ҳамда асосий тамойиллари каби масалаларнинг жамланмасидир. Ҳозирги кунда матншунослик назарий йўналишини ҳам ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Амалий матншунослик – муайян асарнинг муаллиф қаламига яқин энг асл матнини тузиш, шарҳлар билан нашрга тайёрлашни бажаради. Умуман, матншуносликнинг назарий ва амалий ишларидан мақсад, асарнинг муаллиф нусхасига энг яқин матнини яратишдан иборат.

Матншунослик фан ёки соҳа эканлигини аниқлашда турли хил қарашлар мавжудлиги кузатилади. Баъзи олимлар матншунослик филологиянинг ёрдамчи тармоғи деб ҳисобласалар, бошқалари матншуносликни мустақил фан сифатида эътироф этишади. Матншунослик фан ёки соҳа эканлигини аниқлаш матншуносликнинг тарихи, амалий ва назарий йўналишлари ривожланиши, шу кунгача эришган натижалари ва келажагига бўлган илмий доиранинг мулоҳаза ёки фикрларини ҳам кўрсатади.

Б. В. Томашевскийнинг эътирофича, матншунослик маҳсус фан эмас; аникроғи, фанга зарур маълумотларни қўлга киритадиган қандайдир илмий воситадир. Лекин матншунослик материал билан бевосита боғлиқ бошқа илмий методлардек, фақат назарий эмас, балки амалий мақсадни ҳам

кўзлайди. Бу – амалий фан, кўпроқ амалий филологияда намоён бўладиган алоҳида тур.⁵

Матншуносликнинг назарий асослари ва методикасини умумлаштирган Д. С. Лихачев ушбу масалада қуйидагича фикр билдиради: “Матншунослик – бу фандир, унинг мустақил ўрганиш предмети асарнинг матни тарихидир. Агар “ёрдамчи фан” истилоҳига эски деб қаралмаса, у ҳолда бу соҳани ёрдамчи филологик фан деб юритиш мумкин бўлади”⁶.

С. А. Рейсернинг бу хусусда хulosаси шундай: “Астрономия денгизда саёҳат қилувчиларнинг амалий қўлланмасидан, геометрия ер ўлчаш амалиётидан фанга айланди. Худди шундай – матншунослик ҳам кўз ўнгимизда нашриёт ходимлари амалий ишларидан ўз тадқиқот предметига эга бўлган филологиянинг маҳсус фани сифатида шаклланиб бормоқда”⁷.

Ўз тадқиқотларини асосан қўлёзмалар билан боғлиқ ҳолда олиб борган адабиётшунос А. Ҳайитметов матншуносликни “адабиётшуносликнинг узвий қисмларидан бири” деб ёзади.⁸

А. Ҳабибуллаев эса матншуносликни “филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир”⁹, – деб ҳисоблайди.

Адабий манбалар устидаги тадқиқотларда матншуносликнинг назарий асослари ҳам бўлиши кераклигини қайд этаркан, Н. Шодмонов матншунослик масалаларига эътибор қаратади ва матншунослик бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам алоҳида мустақил фан сифатида эътироф қилинганлигини таъкидлайди.¹⁰

Бундай турли хulosаларнинг юзага келишига сабаб соҳа, дисциплина, фан сўзларининг асосий маъносига эътибор бермаслик ёки аралаштириб қўллашдан келиб чиқади. Рус олимлари қўпроқ матншуносликни “филологик

⁵ Қаранг: Томашевский Б. В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Издание второе. – М.: Искусство, 1959. – Б.30.

⁶ Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М. – Л.: Наука, 1964. – Б.7.

⁷ Рейсер С. А. Палеография и текстология нового времени. – М.: Просвещение, 1970. – Б.98.

⁸ Қаранг: Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари//Шарқ юлдузи, 1982, № 3. – Б.167.

⁹ Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2000. – Б. 86.

¹⁰ Қаранг: Шодмонов Н. “Шохиду-л-иқбол” – адабий манба. – Т.: Фан, 2009. – Б.168.

дисциплина” деб юритишлари кузатилади. Аслида дисциплина сўзи лотинча “ўқиш, тарбия, мактаб” маъноларини бериб, фаолиятнинг бир қисми, қайсиdir фаннинг мустақил соҳаси ҳисобланади.

Умуман олганда, матншуносликнинг фан ёки соҳага оид бўлиши ҳақида аниқ хulosага келишнинг ўзи мунозаралидир. Равшанки, матншунослик XIX аср ўрталаригача тўлиқ соҳа ёки фан сифатида шаклланмаган, у XX аср бошларига қадар адабий, тарихий асарлар нашрида зарурй бўлиб, вазифаси ҳам асосан амалиёт талаблари билан чекланган. Матншунослик кейинги даврларда назарий ишланмаси, методикаси ва вазифаларининг аниқ белгиланишига эришди. Бу каби илмий-тадқиқ натижалари унинг инсон билим тизимида фан сифатида тавсифланишига олиб келди. Лекин матншуносликни филологиянинг тарихий-адабий дисциплинаси ёки маҳсус соҳаси деб таърифлаш қўпроқ унинг имкониятларини аниқ ва тўла намоён этади. Матншуносликка фан деб ёндашилганда эса, бошқа соҳалар билан боғлиқ аралашуви юзага келади ва матншуносликнинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўринмайди. Д. С. Лихачев таъкидлаганидек, матншунослик филологиянинг соҳаси бўлиб қолади, хатто тарихий манбалар матнини ўрганган ҳолда ҳам тарих фанининг бир тармоғи сифатида талқин этилишига йўл қўйиб бўлмайди.¹¹ Яна бир жиҳати, мустақил бўлган ҳолда матншунослик адабиёт тарихи, адабиёт назарияси билан узвий боғланади ва улар аслида матншунослик базасини ташкил этади.

Дарҳақиқат, матншунослик соҳасининг фанлар тизимида тутган ўрнини аниқ чегаралаш бироз мушкил. Аммо мутахассис олимларнинг мазкур масалага ёндашувлари умумлаштирилса, яхлит хulosага келишга асос етарли экани кўринади:

- матншунослик маҳсус фан эмас, илмий восита (Б. В. Томашевский);
- матншунослик – ёрдамчи филологик фан (С. Лихачев);
- матншунослик филологиянинг маҳсус фани сифатида шаклланиб бормоқда (С. А. Рейсер);

¹¹ Қаранг: Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. –М. –Л.: Наука, 1964. – Б. 7.

матншунослик - адабиётшуносликнинг узвий қисми (А. Ҳайитметов);

матншунослик - филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳаси (А.Ҳабибуллаев).

Демак, мутахассис олимларнинг юқорида келтирилган фикрларига суюниб айтиш мумкинки, матншунослик маҳсус фан даражасига етмаган, аммо шу йўналишда шаклланаётган соҳа. Бу соҳанинг назарий-амалий мақсади - муайян асар биографиясини илмий асосда изчил ўрганиб, матн тарихини тўла тиклаш, жараёндаги умумий ва хос қонуниятларни аниқлаш ва уларни кенг тадбиқ учун жорий қилиш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Мустақил таълим учун саволлар

1. Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан фарқи.
2. Матншуносликнинг фаолият доираси.
3. Матншуносликнинг фанлар тизимидаги ўрни.
4. Амалий матншунослик.

Глоссарийлар

Археография – ёзма манбаларни қидириб топиш, илк тавсифга олиш, илмий муомалага киритишни назарда тутади. Кутубхона, турли фондлардаги қўлёзмаларнинг туркумлаштирилган тавсифи, археографик қиёсий таҳлили манба матнини тузишда муҳим ҳисобланади. Бундай ишлар натижалари матн устида ишлашнинг равон боришини таъминлайди.

Герменевтика – қадимги ёзма матнлар мазмунини изоҳлаш билан шуғулланади, матншунослик учун герменевтика асарнинг қадимда тутган ўрни, асар умумий мазмуни каби маълумотларни беради.

Манба – арабча “оқиб чиқмок”, “бошланмоқ”, “отилиб чиқмок”, “келиб чиқмоқ” маъноларини англатувчи *набаъа* (نَبَأ) феълидан “оқиб чиқиш жойи”, “бошланиш нуқтаси” “булоқ” маъносидаги *манба* (منْبَع) сўзи ясалган. Ҳар

қандай ҳаракат, воқеа-ходисанинг бошланғич нуқтаси, аввали, бошига нисбатан қўлланган бу сўз маълум соҳа кишиларининг ихтиёрига биноан ижод маҳсули тушунчасида қарорлашди ва “манба” дейилганида муайян *асар* (китоб) тушунила бошлади. Мутолаа қилинган китоб ўз ўқувчиларида турли хил ўхшаш ва фарқли фикрларни уйғотади. Фикрларнинг ўхшашлиги қараашларни, фарқлилиги ёндашувларни юзага келтиради. Бу жараён бамисоли китобдан китоблар отилиб чиқаётган, асардан асарлар тармоқланиб, тошиб оқаётган оқимга ўхшайди.

Матн – арабча изоҳли луғатларда бу сўз “нарсанинг устки, юза қисми” деб таърифланган. Масалан, ернинг устки қаттиқ қисми (**متن الأرض**), йўлнинг ўртаси (**متن الطريق**), китоб саҳифасидаги ёзувларнинг ҳошия ва шарҳлардан холи асосий қисми¹² (**متن الكتاب**) *матн* сўзи билан ифодаланган. Шунингдек, бу сўзнинг “мустаҳкам; пишиқ” каби сифат маъносида келган тури ҳам мавжуд. Тилимизга ўзлашган *матонат*, *метин* сўzlари ҳам *матн* билан ўзакдошdir. “Адабиётшунослик терминлари луғати”да текст сўзи “авторнинг асл сўзи, асарнинг қўлёзмаси ёки нашр этилган нусхаси”¹³, “Словарь-справочник лингвистических терминов» китобида “ёзув ёки нашрда акс эттирилган нутқий асар (баён қилиш)”¹⁴, “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати”да “матн – мазмунан ва мантиқан ўзаро алоқадор бўлган гаплар ёки алоҳида олинган гап”¹⁵, “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да “матн – ёнма-ён ҳарфлар, ёзув орқали акс эттирилган нутқ, умуман, нутқ парчаси; текст”¹⁶ тарзида турлича ифодаланган. Матн билан тенг маънода қўлланадиган *текст* сўзи лотинча *textus* сўзидан олинган бўлиб, “тўқима мато; тўқиш; ўриш; чирмаш; қўшиш” каби маъноларни англатади. Бу сўзнинг нисбатан кенгроқ ва қамровли изоҳини 2010 йил “Akademnashr” нашриётида чоп этилган “Адабиётшунослик луғати”да кўриш мумкин.

¹²Қадимий (қўлёзма ва баъзан тошбосма) китобларда асл матн ҳошия билан ажратилган. Матн шарҳлари ҳошияда гир айланасига битилган. Бу ўринда шу ҳолат назарда тутиляпти.

¹³Хомидий X., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. “Ўқитувчи”, Т. 1970, 222-бет.

¹⁴Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. М.: “Просвещение”, 1976, 483-стр.

¹⁵Ҳожиев А., Нурмонов А. ва бошқа. Т.: “Шарқ”, 2001, 130-бет.

¹⁶Ҳожиев А. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002, 61-бет.

Матн тарихи – муайян матннинг пайдо бўлишидан то охириги ҳолатигача давом этган жараён матн тарихини ташкил қиласди. Аксар матнлар маълум вақт мобайнида субъектив (муаллиф, котиб, нашрга тайёрловчи, муҳаррир) ва объектив (ижтимоий) омиллар таъсирида ўзгаришга учрайди. Матншуноснинг вазифаси мана шу ўзгаришларни аниклаш, уларни тарихий, илмий далиллар билан асослаш ва шу йўл билан асл матнни тиклашдир.

Одоб – “адаб” сўзининг кўплик шакли (آداب). Мумтоз адабиётда “адаб”нинг кўплиги сифатида қўлланади. Ундан ташқари “одоб” сўзи инсон фаолиятининг айрим соҳаларига оид қоидалар ва уларга риоя қилиш маъносида ҳам ишлатилади.

Текст – ёзувда қайд этиб қўйилган нутқ. Термин бу маъносида оғзаки нутққа қарши қўйилади; нутқий асар, жумладан, адабий асарнинг ёзма (харфлар) ёки оғзаки (товушлар) белгилар воситасида қайд этилган конкрет-ҳиссий (кўриш ё эшитиш) қабул қилинадиган томони. Бу маънодаги *текст* матншуносликнинг обьекти саналади; нутқий коммуникациянинг нисбий бутунлик, яхлитлик касб этган ва нисбий автономлик, алоҳидалик хусусиятига эга энг кичик бирлиги, яъни адабий-бадиий асар. Бу маънодаги *текстнинг* мазмуни уни ташкил қилаётган нутқ бирликлари, уларнинг ўзаро алоқалари билангина чекланиб қолмайди. Бутун сифатида у муаллиф томонидан муайян нутқий ситуацияда туғилган, унинг бутун сифатидаги мазмун-моҳияти ўзидан ташқаридаги реаллик билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади”¹⁷.

Таъсирлар занжири – Маълум адабий асар бўйича тадқиқот олиб бораётган манбашунос ўзи ўрганаётган обьектнинг яхлит бутунлик сифатида юзага келишига сабаб бўлган *таъсирлар занжирини* тиклайди, тадқиқ этилаётган асарнинг бу силсиладаги ўрнини белгилайди, халқалар орасидаги муносабатларнинг умумий қонуниятларини аниклайди. Манбашунослик тадқиқи мана шу узлуксиз жараён ичидаги кечади.

¹⁷ Д.Қуронов ва бошқа. Т.: “Akademnashr”, 2010, 329-бет.

Экзегетика – диний матнларни филологик жиҳатдан таҳлил этишда матншунослик ишлари билан бевосита боғланади.

Назорат саволлари

1. Таъсирлар занжири ибораси нимани англатади?
2. Мумтоз адабий матнларни эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога табдили муаммолари нималардан иборат?
3. Европада матншунослик илми қандай номланади?
4. Диёrimизда матбаачилик тарихи қачондан бошланган?